

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



Vaziyat

2022 йил
4 август
№ 31 (868)



2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

○ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



Favqulodda vaziyatlar vazirligining mas'ul xodimlari tomonidan "Qamchiq" maxsus qidiruv, yong'in-qutqaruv boshqarmasida "Korrupsiyaga qarshi birga kurashamiz" mavzusida seminar tashkil etildi.

KORRUPSIYAGA QARSHIMIZ



Unda shaxsiy tarkib o'rtasida harbiy intizomni mustahkamlash, huquqbuzarlik va qonun buzilishi, shuningdek, korrupsiya holatlarining oldini olish, harbiy xizmatchi va xizmatchilarning huquqiy ongi va madaniyatini oshirish yuzasidan tushuntirishlar berilib, korrupsiya illatiga qarshi kurashish barchaning vazifasi ekanligi ta'kidlab o'tildi.

Tadbir yakunida o'zaro savol-javoblar tashkil qilindi.

FVV Matbuot xizmati.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛОСКОРЛАРИ

Бугун дунё ҳаётига назар ташласак, анча бедор эканлигини кўрамиз. Қай тарафдаги табиий офатлар, қай тарафдаги ўзаро урушлар, турли зиддиятлар кўнгилни беҳузур қилади. Ана шундай офатлар ичида юрган халоскорларга боқар эканмиз, уларнинг чинакам инсонпарвар эканликларига яққол гувоҳ бўламиз.

Жумладан, бугунги Янги Ўзбекистон даврида ҳам мамалкатимизда фаолият юритиб келаётган қутқарувчилар ҳаётида янги саҳифалар очилди. Бугунги кунга келиб, Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ўзаро интеграциялашуви соҳада жуда катта ўзгариш ва янгиланишларни юзага келтирди. Ҳозирда яқдил бир жамоага айланган тизим ёнгин ва бошқа табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни бартараф этишда юртимиз аҳолиси ва ҳудудлари учун чинакам қалқон вазифасини ўтамоқда.

Кунда-кунора юзага келаётган турли фавқулодда вазиятлар, ёнгинлар ва бу каби ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан ташкил қилинаётган профилактик тадбирлар мазмунидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугун Янги Ўзбекистон халоскорлари ўз навбатчилик постида

хизматни ҳушёр ва зийрак ҳолда олиб бориш билан бир қаторда, халқимиз, оддий одамлар орасида, республикамизнинг олис ва чекка ҳудудларида юриб, юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисалар хавфини бартараф қилмоқдалар, содир бўлганда эса халқимиз қошига шамолдек етиб бориб, уларга нажот фариштаси каби ёрдам кўрсатмоқдалар.

Бир қарашда кимларгадир қутқарувчилик касби оддийдек кўриниши мумкин. Аммо шуниси борки, қутқарувчи офатга қарши курашга кирганида, нафақат жабрланувчи, балки ўзининг ҳам ҳаётини асраши керак. Афсуски, шундай онлар буладик, қутқарувчи ўз жонидан кўра, офат чангалида қолган инсоннинг ҳаётини ўйлайди ва уни қутқариш учун жонини қурбон қилади... Бунга талай мисоллар келтириш мумкин. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида хизмат

чоғида қаҳрамонлик кўрсатиб, гулгун ҳаёт билан видолашган халоскорлар ҳам бор. Шак-шубҳасиз, уларнинг порлоқ хотиралари, элу юрт, инсонлар ҳаётини асраш йўлидаги жасоратлари ҳеч қачон унутилмайди, қалбларимизда мангу яшайди...

Қиссадан ҳисса шуки, матонатли халоскорларимиз ўзларининг фидойи хизматлари сабаб халқимиз ишонч-эътиборини қозониб бормоқдалар. Қувонарлиси, бугунги кунда кўпгай ёшлар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизими сафларига, қутқарувчиликка хизматга кириш истагини билдирмоқдалар.

Эғнидаги қутқарувчилик кийим-боши ўзига ярашган, вужудидан куч-қудрат ёғилиб, кўзларида ғайрат-шижоат порлаб турган халоскорларимизга боқар эканмиз, беихтиёр шундай дегимиз келади:

*Нажот деб сафарга чиққан онингиз,
Эл меҳридан жўшгай юрак қонингиз.
Сиз ҳаёт гулини қолурсиз асраб,
Балоларга қалқон этиб жонингиз...
Сиз юртим жасур, мард халоскорисиз,
Ишончи, суянчи, номус-орисиз...*

**Баҳодир ВАЛИЕВ,
"Вазият" муҳбири.**

ДАВРА СУХБАТИ

Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан Тошкент ҳарбий суди билан ҳамкорликда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси шахсий таркиби иштирокида “Жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хизмат интизомини мустаҳкамлаш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Тошкент ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси Нодир Ибрагимов ҳамда Тошкент ҳарбий суд раиси Жамшид Раҳмонов иштирок этиб, ҳарбий хизматчиларга мавзу бўйича тушунчалар бердилар.

Маърузалар давомида йиғилганлар бугунги кунда давлатимиз томонидан коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилётган кенг қўламли ислохотлар, мамлакат истиқболи ва юрт рав-

накига муҳим ғов бўлувчи коррупцион ҳолатларга барҳам бериш чора-тадбирлари хусусида маълумотлар олиб, башарти хизматда ёки ҳаётда бу каби ҳолатларга дуч келган тақдирда, бунга зудлик билан муносабат билдириш, тегишли идора ёки ваколатли органларга мурожаат қилиш лозимлиги тушунтирилди.

Алишер ҚУРБОНОВ,
Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги.



КЕКСАЛАР – ЭЪЗОЗДА

Навоий вилоятида ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ва ёлғиз яшайдиган кексалар 548 нафарни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августдаги қарори билан тасдиқланган “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, ижтимоий хизматларнинг яқка тартибдаги дастурини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 14-бандида Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ҳудудий бўлимлари ижтимоий хизматларнинг яқка тартибдаги дастурини шакллантиришда ўзгалар парваришига муҳтож ва ёлғиз яшайдиган кексаларни аниқлаши, яшаш ҳолатини баҳолаши ва шахсий рўйхатга киритиши лозимлиги белгиланган.

Шу боис, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ҳудудий бўлимлари жалб этилган ҳолда хатлов ўтказилиб, хатлов натижасига кўра 28 нафар ёлғиз яшаб келаётган ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ва ёлғиз яшайдиган кексалар аниқланди.

Хатловда аниқланган 28 нафар яқка-ёлғизлардан 10 нафарининг фарзанди ёки турмуш ўртоғи вафот этганлиги, 18 нафарининг фарзандлари оила куриб, бошқа ҳудудга кўчиб кетганлиги, саломатлиги билан боғлиқ муаммолар сабабли, тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари томонидан ўзгалар парваришига муҳтож, деб топилди ҳамда ҳокимликларнинг тегишли қарорлари қабул қилиниб, уларнинг шахсий рўйхатга киритилиши таъминланди.

Шу билан бирга, 6 нафар кексаларнинг вафот этганлиги, 2 нафари юқоридаги низомда кўрсатилган бошқа сабабларга кўра рўйхатдан чиқарилиши лозимлиги аниқланиб, улар шахсий рўйхатдан чиқарилди ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ва ёлғиз яшайдиган кексалар сонини ўрганиш якунига кўра, 568 нафарни ташкил этиши аниқланди.

Булардан ташқари, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ҳудудий бўлимларини жалб этган ҳолда кексаларнинг уй-жой ва маиший шароитлари ўрганилиб, уларнинг 35 нафарининг шароитларини яхшилашга муҳтож эканлиги аниқланди ва ҳокимликлардан 109,6 млн. сўм маблағ ажратилиши таъминланиб, уларнинг уй-жойлари таъмирдан чиқарилди.

Шунингдек, Навоий шаҳар прокуратураси томонидан 4 нафар ёлғиз кексаларнинг меҳнат стажини тиклаш бўйича маъмурий судларга даъво аризалари киритилиб, Навоий туманлараро маъмурий суди қарорига асосан меҳнат стажларининг тикланиши таъминланди.

Туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан 200 нафарга ёлғиз кексалар учун тарихий қадамжолар ва дам олиш масканларига саёҳатлар ташкил этилди.

Албатта, бу каби эзгу ва хайрли ташаббусларга қатор мисоллар келтириш мумкин. Шуниси аниқки, бугунги теран ислохотлар даврида кексаларни кадрлаш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонгир МАДРАҲИМОВ,
Навоий вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи.
Юлдуз АБДУЛЛАЕВА,
Навбахор тумани прокуратураси ходими.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари муаммоларини жойида ўрганиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш орқали уларнинг дарди ва муаммоларини ҳал этиш мақсадида, Бухоро ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Миллий гвардиянинг вилоят бўйича Қўриқлаш бошқармаси, вилоят Фавқулодда вазиятлар ва Мудофаа ишлари бошқармалари билан ҳамкорликда Жондор туманидаги Маънавият маркази биносига фуқаролар учун сайёр қабул ташкил этилди.

МУАММО ВА ЕЧИМ



Тадбир давомида ташриф буюрувчиларнинг ишга жойлашиш, имтиёзли уй-жойга эга бўлиш, сафарбарлик чақируви йиғинида хизматни ўташ учун шартнома пулларини тўлашда ёрдам кўрсатиш ҳамда

тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда имтиёزلарга эга бўлиш каби масалаларга оид 30 дан зиёд мурожаати тингланди.

Шундан 24 та мурожаат ҳал этилиб, ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. 2 та мурожаат жойида қаноатлантирилди. 4 та мурожаатни белгиланган тартибда қисқа муддатларда кўриб, ҳал қилиш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Жаҳонгир ТИНЖИБОЕВ,
Бухоро ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия лейтенанти.

Қарши ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Муборак гарнизонида сайёр қабул ташкил этилди.

МУБОРАКДА САЙЁР ҚАБУЛ



Унда гарнизонда жойлашган Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмлар, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар ва Мудофаа ишлари бошқармаларининг Муборак туман бўлимлари шахсий таркиби, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий пенсионерлар иштирок этдилар. Қабул давомида ташриф буюрганлар-

нинг турли мавзудаги, хусусан, ишга жойлашиш, уй-жойга эга бўлиш, тадбиркорликни йўлга қўйишда имтиёзли кредитлар олиш, сафарбарлик чақируви резервида хизмат ўташ учун тўлов-бадалларини кечиктириб туриш каби масалаларга оид жами 23 та мурожаати тингланди.

Шундан 10 та мурожаат ҳал этилиб, ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. 1 та мурожаат жойида қаноатлантирилди ва 12 та мурожаат белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун тегишли ташкилотларга йўналтирилиб, ижроси назоратга олинди.

Собир АШПАРОВ,
Қарши ҳарбий прокурорининг ўринбосари, адлия подполковниги.

СПОРТ – СОҒЛИК ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги “Қураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан юртимизда ва халқаро миқёсда қурашни янада оммалаштириш чоралари кўрилмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ўртасида ушбу миллий спорт турига нисбатан қизиқишни янада кўллаб-қувватлаш, улар орасидан муносиб полвонларни саралаб олиш мақсадида Урганч ҳарбий прокуратураси ҳамда Хоразм вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамкорлигида қураш бўйича мусобақа ташкил этилди.

Урганч шаҳридаги “Ёшлик” спорт мажмуасида ўтказилган мазкур мусобақада вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг туман (шаҳар) бўлимлари ва муассасаларида хизмат қилиб келаётган ҳарбий хизматчилар ўзаро беллашдилар.

Мусобақа голиб ва совриндорлари ҳарбий прокурор ҳамда мутасадди раҳбарлар томонидан қимматбаҳо совға ва дипломлар билан тақдирландилар.

Файрат АТАДЖАНОВ,
Урганч ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия капитани.



ПРОФИЛАКТИК КУН ДОИРАСИДА

Янгиқўрғон туманида ташкил қилинган профилактик тадбир аввалида Наманган вилояти Фавқулдда вазиятлар бошқармаси бошлиғи генерал-майор Қосимали Аҳмедов томонидан тадбирга жалб этилган ходимлар ва ҳамкор ташлилотларга кун давомида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан йўриқномалар берилди.



Йўриқномадан сўнг гуруҳлар тартибда туман марказидан олисда жойлашган “Соҳибкор” ва “Ибрат” МФЙлар ҳудудидаги аҳоли яшаш хонадонларида содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин, чақнаш, ис газидан заҳарланиш, тақиқлан-

ган жойларда чўмилишнинг олдини олиш, ботулизм касалликларига қарши ўрганишлар олиб борилиб, фуқароларга зарур тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Тадбир 39-сонли мактабгача таълим ташкилотидан давом этиб, тарбиячи ва тарбияланувчилар билан бирга ёнғин, чақнаш ва бошқа фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан суҳбатлар ташкил этилди.

Бу каби тадбирлар ҳудудлар кесимида давом эттирилмоқда.

Қаҳрамон САТТОРОВ,
Наманган вилояти ФВБ ОАВва
ЖТБХҚ бошлиғи, капитан.

РАҲБАР ВА ЁШЛАР

Жиззах вилояти Фавқулдда вазиятлар бошқармасида “Раҳбар ва ёшлар” мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Унда бошқарма бошлиғи полковник Равшан Ибрагимов тизимда хизмат олиб борувчи ёш ҳарбий хизматчи ва қутқарувчилар билан учрашиб, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Учрашувда бошқарма бошлиғи ёшлар билан самимий мулоқотга киришиб, соҳадаги дастлабки хизмат кунларидан то раҳбарлик лавозимига тайинлангунга қадар бўлган ҳаётий тажрибаси билан ўртоқлашди, эришган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликларига тўхталиб ўтди.

“Бизнинг асосий мақсадимиз мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позициясига эга, янгилашни ва мамлакатни ислоҳ қилиш жараёнларида ҳал қилувчи куч ва таянч бўлишга қодир ёш кадрларни камолга етказиш, ўз касбининг етук мутахассисларини тайёрлашдан иборат.

Қилинган меҳнат, чеккан машаққатингиз, албатта, ўз мевасини беради, ўқинг, изланинг, кўпроқ ўз устингизда ишланг, шунда касбингиздан барака топасиз”, – деди бошқарма бошлиғи.

Бугунги кунда вилоят Фавқулдда вазиятлар бошқармасида 30 ёшгача бўлган 320 нафар ёш ходим хизмат қилиб келмоқда.

Toshkent viloyati FVB mas'ul xodimlari va mutasaddi tashkilotlar ishtirokida Nurobod qo'rg'onidagi “Yoshlar markazi”da Ohangaron tumani favqulodda vaziyatlar bo'limi shaxsiy tarkibi bilan “Korrupsiya – taraqqiyot kushandasi” mavzusida seminar o'tkazildi.

OGOHLIK

Tadbirda O'zbekiston Respublikasi Harbiy sudining sudyasi Sh. Do'saliyev, O'zbekiston Respublikasi Harbiy sudining katta yordamchisi I. Baxronov, Toshkent harbiy sudining raisi J. Rahmonov, Toshkent harbiy prokurorining katta yordamchisi, adliya podpolkovnigi N. Ibragimovlar o'z ma'ruzalari bilan ishtirok etdilar.

Seminarida qonun buzilishi, korrupsiya holatlarining oldini olish hamda yo'l-transport hodisalariga yo'l qo'ymaslik yuzasidan olib borilayotgan ishlar bo'yicha ma'lumotlar berib o'tildi.

Tadбир yakunida ishtirokchilarning savollariga mutaxassislar tomonidan javob berildi.

Z. ESHNAZAROV,
Ohangaron tumani FV bo'limi inspektori, leytenant.



Жиззах вилояти Фавқулдда вазиятлар бошқармасида “Буюк саркарда Жалолiddин Мангуберди – ватанпарварлик тимсоли” мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолари, тарихчи олим ва педагог-устозлар, бошқармада хизмат олиб бораётган ҳарбий хизматчи ва қутқарувчилар иштирок этдилар.

ИБРАТ МАКТАБИ



асарини ўқиб чиқишни тавсия қилишди.

– Жалолiddин Мангуберди тарихда беқиёс из қолдирган, – дейди Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Меҳрибон Абдурахмонова. – У ўттиз уч йиллик умрининг 11 йилини жангу жадаллар билан ўтказгани, ҳар бир жангида Ватан озодлиги йўлида қурашганидан фахрланиш мумкин.

Мазмунли ўтган тадбир давомида ёш ҳарбий хизматчилар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Шунингдек, тадбир давомида бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга навбатдаги ҳарбий ўнвонлар, турли танлов ва мусобақаларда фаол қатнашиб, юқори натижаларга эришган ёшларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Соатмурод АБДИЕВ,
Жиззах вилояти ФВБ бошлиғи
ўринбосари, подполковник.

Тадбирда иштирокчиларга Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг “Сийрат ас-султон Жалолiddин Мангуберди”, Мирзо Улугбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарларидан парчалар ўқиб эшиттирилди.

Адабий учрашувга таклиф этилган мутахассислар ёшларга ўз ақл-заковати, буюк жасорати билан тарихда ўчмас из қолдирган аجدодимиз ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун маҳоратли ёзувчи, драматург Назар Эшонқулнинг “Жалолiddин Мангуберди”

УЧРАШУВ

Навоий кон-металлургия комбинати Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш марказининг мажлислар залида “Коррупцияга қарши бирга курашамиз” мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Унда масъуллар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайитириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳияти яна бир бор шахсий таркибга етказилди.

Учрашувда шахсий таркиб орасида ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ва қонун бузилиши, шунингдек, коррупция ҳолатларининг олдини олиш, ҳарбий хизматчи ва хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш муҳимлиги ҳамда бу борада



ташkillаштирилаётган тадбирлар мазмунига тўхталиб ўтилди.

Мансур УМУРЗОҚОВ,
Навоий вилояти ФВБ ШХБ бошлиғи,
капитан.
Маъруфжон ҲАЙИТОВ,
НКМК Ёнғин хавфсизлигини
таъминлашни ташкил этиш маркази
гуруҳ бошлиғи, катта сержант.

ХАТАРЛИ ИЛЛАТ

Samarqand viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasida "Korrupsiyaga qarshi birga kurashamiz" mavzusida o'quv-amaliy seminar bo'lib o'tdi.

Унда бoшқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби ҳамда Самарқанд ҳарбий прокуратураси мас'ул хodimlari ishtirok etdilar.

Seminar davomida mutasaddilar tomonidan shaxsiy tarkib o'rtasida harbiy intizomni mustahkamlash, huquqbuzarlik va qonun buzilishi, shuningdek, korrupsiya va manfaatlar to'qnashuvi holatlarining oldini olish, harbiy xizmatchi va xizmatchilarning huquqiy ongi va madaniyatini oshirish borasida o'zaro fikr almashildi.



Farhod UBAYEV, Samarqand viloyati
FVB Shaxsiy xavfsizlik bo'limi boshlig'i, kapitan.

ЎҚУВ МАШҚИ

Зилзила оқибатида объектда кучли таъсир этувчи захарли модда (хлор) ҳавога тарқалганда, авария-қутқарув ишларини амалга ошириш бўйича Гулистон шаҳар “Сув таъминоти” МЧЖ ҳамда “Шимоллий сув тақсимлаш иншооти”да махсус-тактик ўқув машқи бўлиб ўтди.



Машқнинг дастлабки босқичида зилзила содир бўлганда объект раҳбар таркиби ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркибига хабар бериш ҳамда уларни йиғиш, асбоб-анжомлар билан таъминланганлигини текшириш, саф кўригини ўтказиш ва топшириқлар берилган бўлса, кейинги босқичда зилзила оқибатида объект ҳудудида бинода бузилиш натижасида жабрланганларни қутқарув ишларини олиб бориш, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш чоралари кўрилди.

Шунингдек, ўқув машқи давомида зилзила оқибатида объект ҳудудида кучли таъсир этувчи захарли модда (хлор) ҳавога тарқалганда, авария-қутқарув ишларини олиб бориш, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, зилзила оқибатида объект ҳудудида юзага келган ёнғинни бартараф этиш, жабрланганларни қутқариш ва биринчи тиббий ёрдам ишлари амалда кўрсатилди.

Ўқув машқининг якунига кўра, фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркиби фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга “чекланган тайёр” деб баҳоланди.

Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи,
катта лейтенант.
Умид ШОМУРОДОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ бўлим катта офицери,
капитан.

QURUVCHILAR UCHUN SABOQ

Qamashi tumani FV bo'limi va mutasaddi tashkilotlar hamkorligida tuman hududida qurilayotgan baland qavatli uylarda profilaktik tadbiqlar va o'quv mashg'ulotlari o'tkazildi.

Dastavval quruvchilarga soha xodimlari tomonidan xavfsizlik qoidalariga amal qilish, yong'in xavfsizligi, favqulodda vaziyatlar ro'y berganda tog'ri harakat qilish va yong'in o'chirish vositalaridan foydalanish tartibi, elektr hamda gaz uskunalar bilan ishlayotganda hushyorlikda harakat qilish bo'yicha tushunchalar berildi.

O'quv mashg'uloti rejasiga ko'ra, binoda shartli yong'in sodir bo'lganda uni bartaraf

etish va binoda qolib ketgan quruvchilarni evakuatsiya qilish harakatlari bajarildi.

Tadbir davomida aniqlangan kamchiliklar mutaxassislar tomonidan joyida bartaraf etildi.

Shuhrat DIYAROV,
Qamashi tumani FV bo'limi boshlig'i,
podpolkovnik.
Shaxboz BOBOMURODOV,
Qashqadaryo viloyati FVB matbuot xizmati xodimi,
oddiy askar.



Ўқув машқи режасига мувофиқ, шартли равишда кўшни республика ҳудудида вужудга келган зилзила Жомбой туманига ҳам хавф солди. Фавқулодда вазиятлар бўйича туман фуқаро муҳофазаси тузилмаси зудлик билан шошилиш йўлини ўтказди.

Йиғилишда тумандаги корхона-ташкilot ва муассаларнинг фуқаро муҳофазаси бўйича масъуллари табиий офатнинг таъсири, жабрланган фуқароларга ёрдам кўрсатиш, эвакуация ҳамда содир бўлган турли вайронагарчиликларни бартараф этиш бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Шундан сўнг шартли равишда содир бўлган табиий офат оқибатларини бартараф этишга жалб этилган тузилмалар ва уларга қарашли техникаларнинг саф кўриги ўтказилди.

Сирдарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларидаги ҳарбий хизматчилар ўртасида спортнинг кўл жанги ва кураш турлари бўйича бошқарма бошлиғи кубоги мусобақаси ўтказилди.

БЕЛЛАШУВ

Қизғин ва мурасиз кечган баҳсларда ҳар бир жамоа вакиллари ўз ҳудудий бўлимлари шарафини муносиб ҳимоя қилдилар.

Мусобақа давомида спорт турлари бўйича ўзаро беллашган қутқарувчилар ўртасида, голиблиқдан қатъи назар, ўзаро бирдамлик, ҳамжихатлик ва албатта, дўстлик ғалаба қозонди.

Тадбир якунида голиб ва совриндорларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар тантанали топширилди.

Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи,
катта лейтенант.
Сухроб АБДУҒАФФОРОВ,
бошқарма бўлим катта офицери,
капитан.



Фаргона вилоятида 30 та ёнғин-қутқарув қисми жамоалари ўртасида ёнғин ўчириш амалий спортининг вилоят биринчилиги ўтказилди.

КУЧЛИЛАР БАҲСИ

Қизғин ва мурасиз кечган беллашувлар якунига кўра, голиб ҳамда совриндор жамоаларга, шунингдек, юқори натижаларни қайд этган терма жамоаларга бошқарма раҳбариятининг қимматбаҳо ва эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлари топширилди.

А.АЛИЖОНОВ,
Фаргона вилояти ФВБ гуруҳ бошлиғи,
катта лейтенант.



МАҲОРАТ СИНОВИ

Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида “Бошқарув органлари, Фавқулодда вазиятлар давлат тизими ҳудудий ва функционал қўйи тизимларининг табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракатлари” мавзусида кўмондонлик-штаб ўқув машқи ўтказилди.

Фавқулодда вазиятлар ҳақида ўз вақтида огоҳлантирилган туман Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар, Миллий гвардия, коммунал соҳа, соғлиқни сақлаш, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг туман бўлими ва бошқа қатор тузилмалар воқеа жойларига етиб бориб, ўз вазифаларини бажаришга киришди.

Жомбой туманида уч кун давом этган кўмондонлик-штаб ўқув машғулотлари давомида аҳолини юқумли касалликлардан сақлаш, жабрланганларни қутқариш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, йўлларни таъмирлаш, издан



чиққан коммуникация тармоқларини тузатиш ва тиклаш сингари қатор вазифалар бажарилди.

Ўқув машқида Фавқулодда вазиятлар давлат ҳудудий қўйи тизими органлари раҳбарлар таркиби ҳамда уларнинг куч ва воситалари, иқтисодий объектлари, оммавий ахборот воситалари жалб этилди.

Саид ТОШҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти ФВБ Ахборот хизмати мутахассиси.

VILOYAT BIRINCHILIGI

Urganch shahridagi “Yoshlik” sport majmuasida Xorazm viloyati FVB va Urganch harbiy prokuraturasi hamkorligida viloyat Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi va uning hududiy bo'limlari xodimlari o'rtasida sportning kurash va qo'l jangi turlari bo'yicha viloyat birinchiligi musobaqalari o'tkazildi.



Ikki kun davom etgan musobaqalarning dastlabki kunida ishtirokchilar kurash bo'yicha bahsga kirishdilar. Unda yetti vazn toifasida 15 ta jamoadan jami 80 nafardan ortiq kurashchi o'zaro bellashdi. Qiziqarli va murosasiz bahslarga boy o'tgan musobaqada umumjamoa hisobida Shovot tumani FV bo'limi 1-o'rinni egallagan bo'lsa, 2-o'rinni Urganch shahar, 3-o'rinni Yangiariq tumani FV bo'limlari va “Uzavto motors” YOJ obyekti binolarida yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish bo'linmasi jamoalari egalladi.

Musobaqalarning ikkinchi kunida qo'l jangi bo'yicha

bellashuvlarga kirishildi. Unda sakkiz vazn toifasida 15 ta jamoadan iborat yuzdan ortiq ishtirokchi bahs olib bordi. Musobaqa yakuniga ko'ra, umumjamoa hisobida boshqarma Yong'in-qutqaruv otryadi 1-o'rinni egallagan bo'lsa, 2-o'rinni Urganch tumani, 3-o'rinni Tuproqqal'a tumani FV bo'limlari jamoalari qo'lga kiritdilar.

Musobaqa g'olib va sovrindorlariga boshqarma rahbariyatining diplom va esdalik sovg'alari topshirildi.

Hojiakbar RUSTAMOV,
Xorazm viloyati FVB xodimi, oddiy askar.



МУСОБАҚА

Сурхондарё вилояти ФВБ ва унинг қуйи тизими шахсий таркиби ўртасида спортнинг миллий кураш тури бўйича вилоят биринчилиги мусобақаси ўтказилди.

Мусобақада иштирокчилар 4 та вазн тоифаси бўйича қатнашиб, 66 кг. вазн бўйича 1-уринни Бандихон тумани ФВ бўлими 14-КЕҚҚ қутқарувчи-ҳайдовчиси Дилмурод Қаҳоров, 2-уринни бошқарма алоқа, хабар бериш ва ахборот технологиялари бўлими қутқарувчи-ҳайдовчиси катта сержант Баходир Бабаатов, 3-уринни Термиз шаҳар ФВ бўлими 1-ЕҚҚ смена бошлиги лейтенант Жасур Кўчелдиевлар эгалладилар.

Бошқа вазн тоифалари бўйича ҳам ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, улarga Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси раҳбарияти томонидан махсус дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ж.Жўраев,
Сурхондарё вилояти ФВБ ЖТ ва ОАВБХҚТ
бошлиғи, капитан.



YO'LDAN ADASHGAN FUQAROLARGA AMALIY YORDAM KO'RSATILDI

Joriy yilning 30-iyul kuni soat 20:20 da Toshkent viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasiga bir fuqaro qo'ng'iroq qilib, 3 nafar fuqaro Bo'stonliq tumani Chimyon tog'lariga dam olish maqsadida kelganligi va yo'ldan adashib qaytib tushmaganligini ma'lum qilib, amaliy yordam so'ragan.

Xabarga asosan, zudlik bilan qidiruv-qutqaruv ishlariga Chimyon otryadining alpinist qutqaruvchilari jalb qilingan. Qutqaruvchilar tomonidan olib borilgan qidiruv-qutqaruv ishlari natijasida 31-iyul soat 01:22 da fuqarolar "Katta Chimyon" tog'ining dengiz sathidan 3000 metr balandlikdagi cho'qqisidan topilgan.

Ushbu fuqarolarning xavfsizligi ta'minlangan holda psixologik yordam ko'rsatilib, tog' cho'qqisidan erta tongda olib tushilgan va tez tibbiy yordam xodimlari tomonidan birinchi tibbiy yordam ko'rsatilgan.

Fuqarolarning sog'liqlari yaxshi, ularga hech qanday tan jarohat yetmagan.

FVV Matbuot xizmati.



PAXTA SANOATIDA YONG'IN XAVFSIZLIGI

Ma'lumki, Qashqadaryo viloyati paxta sanoatida respublikamizda yetakchi hududlardan hisoblanadi.

Paxta hosilini yong'inlardan asrash hamda qayta ishlashgacha bo'lgan vaqt oralig'ida uni xavfsiz saqlash muhim vazifalardandir.

Bu borada viloyat Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi korxonalaridagi paxta buntlarida sodir bo'lishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlarni zudlikda bartaraf etishda barcha tegishli xizmatlar ishtirokini ta'minlash maqsadida Shahrisabz shahar "Oq saroy tekstil" MChJ OYoXTTE bo'linmasi tomonidan yong'inga qarshi chora-tadbirlar amalga oshirib kelinmoqda.

Chora-tadbirlar rejasiga ko'ra, bo'linma shaxsiy tarkibi tomonidan joylardagi paxta qabul qilish va qayta ishlash korxonalarida profilaktik tadbirlar qatori o'quv-amaliy mashg'ulotlar ham o'tkazilmoqda.

Mazkur o'quv mashg'ulotlari davomida korxonalar hududida yong'in kelib chiqish xavfi yuqori bo'lgan nuqtalarida ishchi-xizmatchilarning harakati, ya'ni qutqaruvchilar voqea joyiga yetib kelguniga qadar to'g'ri harakatlanish tartibi yana bir bor amalda bajarildi.

Shuningdek, korxonalar hududida ro'y berishi mumkin bo'lgan turli favqulodda vaziyatlarni bartaraf etishda jalb etiladigan kuch-vositalarning harakati kuzatildi va jabrlangan ishchi-xizmatchilarni xavfsiz hududga olib chiqish, yong'inni zudlikda bartaraf etishda



yong'in-qutqaruvchilarning jangovar shayligi yana bir bor sinovdan o'tkazildi.

Paxta xom ashyosi juda tez alanganuvchi mahsulot hisoblanadi. Unga nisbatan e'tiborsizlik yoki birgina xato harakatimiz ko'plab moddiy zararlarga sababchi bo'lishi mumkin.

Shu boisdan ham o'tkazilgan tadbirlarda ishchi-xizmatchilar ishtirokida yong'inni bartaraf etish uchun zarur bo'lgan anjomlarning shayligi sinovdan o'tkazildi. Bunda maskanning yetarlicha yong'in o'chirish yengllari, dastaklar va suv zaxirasiga ega ekanligiga e'tibor qaratildi.

Shunday ekan, yuqorida ta'kidlanganidek, qoidalarga rioya qilgan holda paxta hosilini yong'inlardan asrash va muhofaza qilish muhim vazifa ekanligini nafaqat favqulodda vaziyatlar xodimlari, balki har birimiz aslo unutmasligimiz lozim.

F.VASIYEV,
Shahrisabz shahar "Oq saroy tekstil" MChJ
OYoXTTE bo'linmasi mutaxassisi, serjant.

YAKKASAROYDA MAVSUMGA TAYYORGARLIK

Yaxshi bilamizki, yoqilg'i resurslaridan tejamkorlik bilan foydalanish o'ta muhim ahamiyat kasb etadi. Shu boisdan iste'molchilar tabiiy gazdan ham oqilona foydalanishi mamlakatimiz ravnaqi uchun muhimdir.

Biroq kuz-qish mavsumida aholining tabiiy gazga bo'lgan ehtiyoji yanada ortadi. Bu esa o'z navbatida gaz ta'minoti korxonasi xodimlarining kunu tun mehnat qilishlarini talab qiladi. Yuzaga kelgan muammolar vaqtida soha xodimlari tomonidan bartaraf qilinishga erishiladi. Gaz taqsimlash qurilmalari doimiy nazorat ostida bo'ladi. Har sohada rivoj topayotgan bu zaminda yashamoq insonga zavq bag'ishlaydi. Osuda osmon, tinch-totuv hayot. Texnika asri deya e'tirof etilgan XXI asrda kashf etilayotgan zamonaviy texnologiyalar insonlar hayotini yaxshilashga xizmat qilmoqda. "Hududgaz Poytaxt" gaz ta'minoti filiali tomonidan inson qadri uchun amalga oshirilayotgan ishlar o'zining ijobiy samarasini bermoqda.

Yakkasaroy tumanida jami 31500 dan ortiq tabiiy gaz iste'molchilar, 942 ta ulgurji tashkilotlar bor. Ushbu tashkilotlarga 185 dona gaz taqsimlash qurilmasi orqali tabiiy gaz yetib boradi. Hozirda barcha tuman gaz xodimlari mavsum tayyorgarligi bo'yicha ish olib bormoqda. 2022-2023 yillar kuz-qish mavsumiga tayyorgarlik ko'rish, uni betalafot o'tkazish, shuningdek, tabiiy gaz iste'molchilari xavfsizligini ta'minlash maqsadida, "Yakkasaroytumangaz" gaz ta'minoti chi-

langarlari tomonidan mahallalardagi gaz taqsimlash punktlari ta'mirlanib, bo'yoqlanmoqda. Ma'nan eskirganlari yangisiga almashtirilmoqda. Tuman gaz ta'minoti bo'limi tasarrufida jami 334,5 kilometr gaz quvurlari mavjud bo'lib, shundan o'rta bosimdagi gaz quvurlari 76,5 kilometrni tashkil qiladi. Past bosimdagi gaz quvurlari 258 kilometr iborat. Mavsumga tayyorgarlik ishlari boshlangandan bugungi kungacha 2,7 kilometr ga yaqin gaz quvurlari bo'yoqlandi. Yakkasaroy tumanidagi aholi iste'molchilariga jami 116 dona gaz taqsimlash punktlari orqali tabiiy gaz yetkazib berilmoqda. Bugungi kungacha 72 dona gaz taqsimlash punktlari texnik taftishdan o'tkazilib, 21 tasi bo'yoqlandi. Hozirda ishlar qizg'in davom etmoqda. «Obod mahalla» davlat dasturi bo'yicha tumandagi «Hamid Sulaymon», «Rakat-boshi» mahallalaridagi mavjud 13 dona gaz taqsimlash qurilmalari texnik taftishdan o'tkazildi hamda mahallalardagi 1,5 kilometr gaz quvurlari bo'yoqlandi.

Yakkasaroy tumanining barcha hududlarida mavsumga tayyorgarlik jarayonlari davom etmoqda.

**«Hududgaz Poyaxt»
gaz ta'minoti filiali
matbuot xizmati.**

Сув — ҳаёт манбаи демакдир. У барча тирик жонзотлар, ўсимликлар, она заминга ҳаёт бахш этади. Аммо унга нисбатан лоқайдларча муносабатда бўлиш ажал-офатларга олиб келиши ҳам ҳаётда учраб туради. Маҳалла, қишлоқлар ҳудудларидан оқиб ўтувчи сой-анҳорлардаги кучли сув оқими ҳеч кимга бўйсунмайди.

ЛОҚАЙД БЎЛМАНГ!

Чўмилишга келган инсон табиат омили билан яккама-якка мулоқотда бўлади. Бундай ҳолда унинг омон қолиши ҳаёт хавфсизлиги қоидаларига rioya қилишига боғлиқ.

Баъзан ёш болаларнинг чўмилаётганига кўзинг тушади. Атрофда бирор катта ёшли инсон бўлмайди. Ўтиб кетаётган катта ёшли кишилар ҳам огоҳлантирмай, лоқайд муносабатда бўлади. Эртага бирон-бир нохуш хабар келса, боланинг ўзи айбдор деган хулосага келинади. Сўнги пушаймон — ўзинга душман, деган нақл бор. Бола азиз, ҳаёти, одоби эса ундан-да азиз. Демак, фарзандларимиз, келажакимиз ниҳолларининг соғлиғи ва ҳаёти бевосита ота-оналар, маҳалла-қўй, барчамизнинг диққат-эътиборимизда бўлиши зарур.

Шундай экан, фарзандларимизни соғлом, баркамол тарбиялашимиз, ҳаёт хавфсизлиги асослари тўғрисида кенгрок тушунча бериб боришимиз лозим. Шундагина сувда чўкиш билан боғлиқ турли фавқулодда вазиятларнинг олдини олган бўлаемиз.

Мажид ВАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенатига қарашли биноларда
ЎХТТЭБ мутахассиси, катта сержант.
Дилшод ЮЛДАШЕВ,
Ўзбекистон Давлат Филармонияси
санъат саройи ЎХТТЭБ
мутахассиси, катта сержант.

Онлайн семинар

«Zoom» платформаси орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (бизнес-омбудсман) девони билан ҳамкорликда онлайн семинар ташкил этилди.

Ўқув семинарида ФВВ Давлат ёнғин

назоратини ташкил этиш бош бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар Фавқулодда вазиятлар бошқармаларининг ёнғин нazorати ва профилактикаси ҳамда норматив-техник бўлимлари бошлиқлари иштирок этдилар.

Семинарда тадбиркорлик субъект-

ларида ўтказилаётган текширувлар муҳокама қилинди. Шунингдек, тадбиркорлик соҳасида давлат назорати билан боғлиқ катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш имконини берувчи «Ягона давлат назорати» ахборот тизимидан фойдаланиш тартиби тушунтирилди.

ФВВ Матбуот хизмати.

ОРОМГОҲЛАРДА ТАРҒИБОТ

Зомин туманида жойлашган “Истиқлол” оромгоҳида хавфсизлик талабларига риоя этилиши, болаларнинг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиши, оромгоҳ ҳудуди ва хоналарида ёнғинга қарши режим сақланаётганлиги ҳамда мустаҳкам қуриқланишини таъминлаш мақсадида профилактик тадбир ўтказилди.



Унда болаларга фавқулодда вазиятларнинг турлари, зилзила, сел каби табиий офатларда тўғри ҳаракатланиш, бирламчи ёнғин ўчи-

риш воситаларидан фойдаланиш тартиби тушунтирилди.

Шунингдек, соҳа ходимлари томонидан мавсум давомида барча оромгоҳларнинг хавфсизлик ҳолати ва болалар учун яратилган шарт-шароитлар ўрганилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этиб берилмоқда.

Одил МУСТАФОЕВ
Зомин тумани ФВ бўлими бошлиғи, майор.
Фаррух АБДУРАҲМОНОВ,
Жиззах вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, капитан.



БОЛАКАЙ ҚУТҚАРИЛДИ

Поп туманида ФВ бўлими ходимлари “Чиганок” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан оқиб ўтувчи Сирдарёда чўмилиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида рейд тадбирлари олиб бораётган вақтда дарёда вояга етмаган саккиз ёшли боланинг сувда оқиб кетаётганлигини кўриб қолдилар.

Поп тумани ФВ бўлими ёнғин-қутқарувчиси Олимжон Тўланбоев зудлик билан сувга шўнғиб, балакайни қутқарган ва қирғоққа олиб чиққан.

Ҳозирда балакайнинг ҳолати барқарор ва жиддий шикастланмаган.

Шу ўринда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги аҳолидан чўмилиш қоидаларига қатъий риоя этишни сўраб қолади.

Ҳурматли фуқаролар, фарзандларингизнинг канал ва тезоқар дарё ўзанлари ҳамда тақиқланган сув ҳавзаларида чўмилишларига йўл қўйманг.

Рустам ЭГАМБЕРДИЕВ,
Наманган вилояти ФВБ ОАВваЖТБХҚГ етакчи мутахассиси.

ХАВФСИЗЛИК – МУҲИМ ТАЛАБ

Андижон вилояти Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидаги “Боғишамол” болалар соғломлаштириш оромгоҳида Андижон тумани ФВ бўлими ходимлари томонидан тарғибот тадбири ташкил қилинди.



Унда болажонларга ёз мавсумида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, чўмилишда хавфсизлик қоидаларига риоя этиш юзасидан ту-

шунтиришлар берилиб, ёнғин-қутқарув техникаларининг кўргазмалари намойиши ташкиллаштирилди.

Болалар улар билан танишар эканлар, ўз саволларига мутахассислардан жавоб олиб, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга оид билимларини янада бойитдилар.

Рўзибек ҒАЙБУЛЛАЕВ,
Андижон тумани ФВ бўлими инспектори, лейтенант.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига асосан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ ва Жиззах вилоятининг Зомин туманларида Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ўрмон ёнғинларини бартараф этишга ихтисослашган отрядларининг ташкил этилиши бугун кун тартибига чиқаётган долзарб масалаларни ечишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ТАБИАТ БОҒИДА

Хусусан, Жиззах вилояти ФВБ ўрмон ёнғинларини бартараф этишга ихтисослаштирилган ёнғин-қутқарув отряди ходимлари томонидан Зомин миллий табиат боғида мутасадди ташкилотлар ходимлари билан ҳамкорликда бир қатор профилактик тадбирлар ташкил этилди.

Зомин миллий табиат боғи 24 минг гектардан ортиқ майдонни қамраб олган бўлиб, минглаб мевали ва манзарали дарактлар, 700 турга яқин ўсимлик, 102 турдаги қушлар ва 30 турдаги ҳайвонларни ўз бағрига олган табиий ўрмон ҳисобланади.

Айни кунларда бу ерга ташриф буюрувчи меҳмонлар сони ошган. Шунингдек, боғ ҳудудида ўнлаб дам олиш оромгоҳлари, меҳмонхоналар, кемпинг ва бошқа кўнгилочар масканлар, спорт-соғломлаштириш мажмуалари фаолият юритмоқда.

Соҳа ходимлари томонидан боғ ҳудудига кираётган ҳар бир транспорт воситаси эгаларига хавфсизлик қоидалари акс этган эслатма ва буклетлар тарқатилди. Ўрмон ҳудудида чекиш, олов ёқиш, чўмилиш

ва чиқинди ташлаш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантирувчи белгилар кўзга кўринадиган жойларга ўрнатилди.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш объектларининг ёнғинга қарши ҳолати ўрганилиб, камчиликларга йўл қўймаслик чоралари кўрилди. Тадбиркорлар ва дам олувчи фуқаролар билан профилактик суҳбатлар ўтказилиб, хавфсизлик қоидалари тушунтирилди.

Очиқ оловдан фойдаланиладиган ошхона ва бошқа овқатланиш жойларида хавфсизлик чоралари кучайтирилди. Носоз, ностандарт газ баллонлари ва электр печларидан фойдаланиш тақиқланди.

Бу каби чора-тадбирлар миллий табиат боғи ва унга ташриф буюрувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг табиатга салбий таъсир кўрсатмаслик, ундан тўғри фойдаланиш маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Акмал ЎРИНБОЕВ,
Жиззах вилояти ФВБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник.



“Фарғонаазот” АЖда объектлар биноларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими томонидан ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги қонулар, норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя қилиш юзасидан назорат-профилактика ва тушунтириш ишларига бағишланган семинар ташкил қилинди.

СЕМИНАР

Тадбирда АЖ объектлари биноларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими

бошлиғи ўринбосари майор Анвар Охунов сўзга чиқиб, ёнғин хавфсизлиги, корхонадаги бирламчи ўт ўчи-



YONG‘IN HAQIDA BILASIZMI?

Yong‘in – bir zunda shiddat bilan ro‘y beradigan va tez tarqaladigan yonish jarayoni. Moddiy boyliklarni yo‘qotadi va inson hayoti uchun xavf soladi. Yong‘inga asosan, olovdan ehtiyotsizlik bilan foydalanish, elektr va gaz asboblardan hamda ishlab chiqarish jihozlaridan foydalanishning qoida va me‘yorlarini buzish, moddalarining (materiallar) o‘z-o‘zidan alanganishi sabab bo‘ladi.

Yong‘in ishg‘ol qilgan fazo shartli ravishda zonalarga: faol yonish, issiqlik ta‘sir etuvchi va tutun bilan qoplash zonalariga bo‘linadi. Faol yonish zonasida yuqori issiqlik va tutun hosil qiladi. Bunda materiallar ko‘pincha atmosfera havosining kislorodi bilan o‘zaro ta‘sirlashib tutaq, alanganadi, natijada issiqlik va tutun hosil bo‘ladi. Yonayotgan qurilmalar va materiallar issiqlik ta‘sirida qiziydi va alanganadi, yonmaydiganlari deformatsiyalanadi.

Faol yonish zonasini boshqa zona – issiqlik ta‘sir etuvchi zona qurshab oladi. Uning issiqlik ta‘siri taxminan 60-80° C.dan pastroq bo‘lib, atrofdagi obyekt va insonlar uchun xavfli bo‘ladi. Yong‘in vaqtida ajralib chiqadigan yonish mahsuloti (tutun) bilan qoplash zonasini hosil qiladi. Tutun tarkibida, odatda, azot, kislorod, uglerod oksidi, karbonat anhidrid, suv bug‘lari, kul va boshqa moddalar bo‘ladi. Tutun tarkibiga kiruvchi to‘la va chala yonish mahsulotlari juda zaharli, ayniqsa, polimer materiallar yonganda o‘ta zaharli bo‘ladi. Ba‘zi hollarda chala yongan mahsulotlar, masalan, uglerod oksidi kislorod bilan yonuvchi va portlashga xavfli aralashma hosil qilishi mumkin.

Yong‘in va uni bartaraf qilish tadbirlari haqida barchamiz bilishimiz lozim.

A. YAKUBBOYEV,
I. KARIMOV majmuasi YoXTTB mutaxassisi, oddiy askar.

риш воситалари ва махсус ўт ўчириш тизимлари ҳақида сўз юритиб, ушбу масалада ишчи-ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш муҳим масалалардан эканлигини таъкидлади. Ўз сўзида ёнғиннинг олдини олишга доир ўтказилаётган тадбирларнинг мақсад ва вазибалари, ёнғиннинг пайдо бўлиш сабаблари, ўчириш воситаларининг ишлатилиш тартиби, ёнғин содир бўлганда дастлаб нималарга эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида гапириб, ўз фикрларини ҳаётий мисоллар орқали изоҳлади.

Семинар давомида корхона ишчи-ходимлари учун ёнғин ўчириш воситалари ва асбоб-ускуналари кўргазмаси ташкил қилинди.

А.АБДИЕВА,
Фарғона вилояти ФВБ “Фарғонаазот” АЖ БҒТТЭБ бошлиғининг профилактика бўйича ўринбосари, подполковник.
Ф.СОТИБОЛДИЕВ,
етакчи мутахассис.

ТУШУНТИРИШ ВА ТАВСИЯ

Деҳқонобод тумани фавқулодда вазиятлар бўлими, Тиббиёт бирлашмаси ва тегишли соҳа мутасаддилари билан ҳамкорликда аҳоли яшаш пунктлари, савдо мажмуалари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари, мактабгача таълим муассасаларида профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

Тадбирлар давомида иштирокчиларга иссиқ уришдан сақланиш, тақикланган жойларда чўмилмаслик, рухсат этилган сув ҳавзаларида чўмилиш, чўмилишда хавфсизлик қоидаларига амал қилиш, ҳаво ҳарорати иссиқ пайтда озиқ-овқат маҳсулотларидан тўғри фойдаланиш, овқатдан заҳарланишдан ҳушёр бўлиш ва яна бир қатор масалаларда тушунтириш, тарғибот ишлари амалга оширилиб, зарур тавсиялар берилди.

Ҳозирда ушбу тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Ў.ЮЛДАШЕВ,
Деҳқонобод тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, капитан.



СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси ҳузуридаги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказида ўқув гуруҳлари ўртасида спорт мусобақаси ўтказилди.

Мусобақада иштирокчилар бешта шарт бўйича ўзаро куч синашдилар. Баҳслар якунига кўра, тўсинда тортиниш шартда 6-гуруҳ тингловчиси хизматчи А.Абдурахимов, 100 метр масофага югуриш шартда 2-гуруҳ тингловчиси оддий аскар С.Эргашев, 3000 метр масофага югуриш шартда 6-гуруҳ тингловчиси оддий аскар Ш.Холмуродов, 24 кг. тошни кўтариш шартда 1-гуруҳ тингловчиси оддий аскар А.Ахтамов, армрестлинг – куч синашиш шартда 7-гуруҳ тингловчиси оддий аскар Б.Турсуновлар биринчи ўринни эгалладилар.

Ўқори кўрсаткичларга эришган тингловчиларга марказ раҳбарияти томонидан эсдалик совғалари топширилди.

М.АСАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси ҳузуридаги БТвАМОМ цикл ўқитувчиси, майор.

Бугунги кунда мамлакатимизда коррупция, турли жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўрилмоқда.

ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз маърузаларида: “Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур”лигини қайта-қайта уқтирмоқда. Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ишлаб чиқилди.

Ушбу қонуннинг 3-моддасида: коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадига қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш, дея таъкидланган.

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- ❖ қонунийлик;
- ❖ фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- ❖ очиқлик ва шаффофлик;
- ❖ тизимлилик;
- ❖ давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;



❖ коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;

❖ жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг келажиги ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бунга эҳтиёткорлик билан қарайди. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, куч-ғайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кимилари келажакда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўла-тукис фойдаланишни орзу қиладиган ҳар бир миллат, ҳар бир фуқаро, жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим.

У.ШЕРМУРАТОВ,
Оҳангарон тумани ФВ бўлими ОЕХТТЭБ бошлиғи, подполковник.

О‘ЗИМИЗГА БОГ‘ЛИҚ



Yong'inga qarshi kurashish haqida gapirganda, avvalo, u haqdagi bilimlarga ega bo'lishimiz zarur. Yong'in — odamlarning hayoti va sog'ligiga, yuridik hamda jismoniy shaxslarning mol-mulkiga, shuningdek, atrof tabiiy muhitga zarar etkazadigan, nazorat qilib bo'lmaydigan yonishdir.

Yong'in xavfsizligi — odamlarning, yuridik va jismoniy shaxslar mol-mulkining, shuningdek, atrof tabiiy muhitning yong'inlardan himoyalanganligi holatini anglatadi. Yong'in xavfsizligi talablari esa yong'in xavfsizligini ta'minlash maqsadida qonun hujjatlarida belgilangan ijtimoiy va (yoki) texnik xususiyatga ega maxsus shartlarni o'zida jamlaydi.

Yong'in xavfsizligi talablarining buzilishi deganda, yong'in xavfsizligi talablarini bajarmaslik yoki lozim darajada bajarmaslik anglashiladi.

Shunday ekan, har birimiz yong'inga qarshi kurash tadbirlarida faol qatnashishimiz, buning uchun esa yong'in xavfsizligi qoidalarini yaxshi bilishimiz va unga amal qilishimiz zarur. Zero, o'zimiz va oilamiz tinchligi, xotirjamligi o'zimizga bog'liqdir.

J.NARGITOV,
“O‘zbekiston” xalqaro anjumanlar saroyida YoXTEB mutaxassisi, katta serjant.

“ARTEL”DA MASHG‘ULOT



Bektemir tumani Ohangaron shox ko'chasi 2-uyda joylashgan “Artele” zavodida tuman FV bo'limi va FVDT tarkibiga kiruvchi tashkilotlar bilan hamkorlikda zavod rahbariyati va ishchixizmatchilar ishtirokida yong'in xavfsizligi bo'yicha 5 kunlik o'quv mashg'uloti o'tkazildi.

Mashg'ulotga 3-YoQQdan qutqaruv ekipaji, maxsus texnikalar, 12-tez tibbiy yordam ekipaji va avtomashinalar jalb qilindi.

Dars mashg'ulotlarida favqulodda vaziyatlar va yong'in sodir bo'lganda harakatlanish yuzasidan tavsiyalar berildi.

D.KENJABOYEV,
Bektemir tumani FV bo'limi FVDT va FMFTXTB boshlig'i, kapitan.

ҚАЛТИС ЙЎЛ

Тошкент шаҳрида яшовчи С.Б. ўттиз бир ёшида суднинг қора курсисига ўтирди. Судланувчи ўзганинг мулкни фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончини суистеъмол қилиш йўли билан эгалламоқчи бўлади. У 26 декабрь куни Миробод тумани “Оқ уй” кўчасида жойлашган хонадонлардан бирининг олдида Ф.А.га “Кобальт” русумли автомашинани пулларини бўлиб тўлаш шarti билан сотишини айтади. Ундан жами 9 410 АҚШ доллари олади. Ваҳоланки, мазкур автомашина 2018 йил банкка кредит таъминоти учун гаровга қўйилган бўлиб, олинган кредит тўланмаган бўлса-да, харидорга бу ҳақда лом-лим демаган.

Энди, жабранувчининг суддаги кўрсатмасини келтирсак: “2019 йил декабрь ойида автомашина сотиб олиш ниятида интернет тармоғига жойланган эълонларни кўрдим. Шунда С.Б. томонидан пулини бўлиб тўлаш шarti билан сотилаётган “Кобальт” русумли автомашинага қизиқиб қолдим. Эълон бўйича машина эгаси билан гаплашдим. У агар сотиб олмоқчи бўлсангиз, “заклад” пулини беринг деди. Шундан сўнг С.Б.га 100 АҚШ доллари бердим. “Кобальт” русумли автомашинани бориб кўрдим, нархини 10 200 АҚШ долларига келишдик. Дастлабки тўлов сифатида машина эгасига 3 500 АҚШ долларини бериб, қолган пулларни ҳар ойда 300 АҚШ доллари-дан икки йил мобайнида тўлашга келишдик. Савдомиз битгач, С.Б. тилхат ёзиб бериб, ўзи

уйимгача машинани ҳайдаб келди. Кўп ўтмай ишончнома ҳам расмийлаштирдик. Шу орада яқин қариндошим ишончномасиз бошқарганлиги учун машина жарима майдонига қўйилди. Б.С.га қолган пулларни тезроқ тўлашимни айтиб, “Кобальт”ни номимга расмийлаштириб беришини сўрадим. У эса ваъадан нарига ўтмади. Машинани жарима майдонидан чиқариш учун борганимда транспорт кредит эвазига гаровда турганлиги, 38 000 000 сўм кредит маблағлари тўланмаганлигини билдим. Сотувчининг ёлғончилигини билгач, ички ишлар идораларига ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Ҳозирда етказилган моддий зарар С.Б. томонидан депозит ҳисоб рақамига тўланган, мазкур пулларни ундириб беришингизни ва судланувчига енгилроқ жазо

тайинлашингизни сўрайман”.

Суд судланувчига жазо тайинлашда унинг оилавий шароитини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганлигини инобатга олди. Унга ҳар ойлик иш ҳақидан 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Ўзгани чув туширмоқчи бўлган ёлғончи эҳтимол бугун қилган ишларидан афсусдандир. Лекин бугун уни фирибгар деган тамга таъқиб қилгани ҳаммасидан ёмон. Меҳнатсиз, ноқонуний даромад топишининг охири вой.

Рустамжон РАҲМОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судининг судьяси.

КИТОБ — БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ

Мулоҳаза

Китоб ўқиш севимли машғулоти. Тўғри, бугун интернет, ижтимоий тармоқлар фаол ишламоқда. Улар орқали кўп ахборот ва маълумотларга эга бўлишимиз мумкин. Аммо китобнинг ўрни бошқа. Нега десаңгиз, компьютер ёки телефон, истаимизми-йўқми, маълум муддат ўтгач, кўзларни, миани, албатта, толиқтириб қўяди. Ундан ўзимизда қандайдир зўриқишни ҳис қиламиз. Китобда эса бундай эмас.



Айниқса, бадий асар ўқиш кишига завқ бериши билан бирга, маънан дам олдиради ҳам. Китобдаги воқеалар, ҳаётини хулосалар тафаккуримизни бойитишга хизмат қилади, мустақил фикрлашга ўргатади.

Жаҳондаги қайсики аллома, мутафаккир, олиму шоир ёки ихтирочини олмайлик, уларнинг энг яқин сирдоши, ҳамроҳи китоб бўлганлигини кўрамиз. Улар ўз ҳаёти ва ижоди давомида эришган ютуқла-

ри учун, аввало, китоблардан миннатдор бўлганлар.

Ҳа, китоб — дўст, китоб — устоз, китоб — энг ишончли маслаҳатчидир. Кўп яшаган кўп билганидек, кўп ўқиган ҳам кўп билади. Китобни вақт машинасига ўхшатсак, хато бўлмайди. У билан кўҳна кечмишга қайтиш ҳам, олис келажакка етиб бориш ҳам мумкин...

Шундай экан, азиз дўстларим, сизларга кунингизни телевизор, интернет ёки телефон ўйинлари билан ўтказмасдан, китоб ўқишни тавсия қилган бўлардим. Китоб ўқиш фақат ва фақат фойда, асло зиён эмас...

Мумтозбегим ОБИДОВА,
Поп туманидаги 11-сонли
ДИМИ 11-синф ўқувчиси.



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллодда
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЮНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи
Б.ВАЛИЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқлиниши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 382

Газета
"BUSINESS PRINT DESIGN"
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 6000 нуска

Биласизми?



ВАФОДОР ЖОНИВОРЛАР



Отлар. От одамга дўст тутинишда ва садоқатда тенгсиз жонивордир. Қолаверса, отнинг кўзлари 360 даражали радиусга эга. Шунинг эвазига от бурилмай туриб орқадаги ҳодисалар ва хавфни кўра олади. От ақл-заковат жиҳатидан ҳам бошқа жониворларни ортда қолдиради.

Кучуклар. Кучуклар нисбатан ақлли, тез ўрганувчан, буйруқларимизни бажаришга қодир ва инсон ҳаётининг барча жабҳаларида жуда фойдали шериклар бўлиб қолдилар. Улар одатда қоронғиликда мўйловлари ёрдамида йўл излашади. Кучуклар инсонларнинг содиқ дўсти десак, муболаға бўлмайди.



МАВЖУДОТЛАР ҲАҚИДА ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР

Коала айни кун давомида 20 соат ухлайди.

Олмагонлар ҳаммаша ота-онасиз қолган ҳайвон болаларини асраб олади.

Итлар ўз эгаларини кўрганларида уларнинг миясида худди инсон ўз севган кишини кўрганида юз берадиган ҳолат юзага келади.

Тўтиқушлар. Тўтиқушлар одатда ўз эгасига ҳамда жуфти ҳалоллига жуда содиқ бўлади. Агар бир инсонга ўрганиб қолса, уни ҳеч қачон ташлаб кетмайди. Шунингдек, улар мослашувчан ҳам бўлишади.

Мушуклар. Мушуклар ҳам юқоридаги ҳайвонлар сингари эгасига содиқ бўлади. Қизиқарлиси шундаки, улар кўпинча ўз боқувчиларини бошқа ҳайвонлардан қизғонишади.



Бурилар. Эракк бўри ургочисига жуда садоқатли жуфт саналади. У ургочига сунги нафаси қолгунча хиёнат қилмайди. Фақат ургочиси ўлсагина жуфтини алмаштириши мумкин. Бўри ўзига ўлим хавф солаётганини сезиб турса ҳам биринчи навбатда яқинларини хавфдан халос этишга интилади.

Дельфинлар. Дельфинлар инсонга ҳақиқий содиқ дўст. Агар улар инсонга қандайдир хавф келатганини пайқаса, дарҳол ёрдам беришга тушади. Қизиқарлиси шундаки, акулалар дельфиндан қўрқади. Чунки улар узун бурун қисми билан ҳужумга ўтади. Бир марта амалга оширилган ҳужум ақула учун, албатта, ўлим билан тугайди.

Бордер-колли итлари дунёдаги энг ақлли ит турига мансуб саналади.

Мушуклар 50 тача сўзни ёдда сақлаб қола олишади. Зарур пайтларда бу сўзларга қарши реакция билдиришади.

Чумолилар ҳеч қачон ухлашмайди.



Филлар. Филлар жуда ҳам оилапарвар ҳамда тўдасига содиқ бўлади. Улар одатда катта гуруҳлардан ташкил топган оила бўлиб яшайдилар. Ўз умрини хавфга солиб бўлса-да, болаларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади.



Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Фавқуллодда вазирлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби вазирлик Марказий аппарати Ахборот инфратузилмаларини қўллаб-қувватлаш маркази навбатчи-диспетчери хизматчи Шавкат Мухамеджановга падари бузруквори

Маҳмуд ота МУХАМЕДЖАНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.